

ШОАЛИЕВА Наргиза

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси

Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси

доценти, PhD

nshoaliyeva74@mail.ruORCID: <https://orcid.org/0000-0002-7314-0093>

РАҲБАР АЁЛ ФАОЛИЯТИДА МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ ДУХОВНЫХ И КУЛЬТУРНЫХ ФАКТОРОВ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЖЕНЩИН- ЛИДЕРОВ

THE IMPORTANCE OF SPIRITUAL AND CULTURAL FACTORS IN THE ACTIVITIES OF WOMEN LEADERS

Аннотация. Ҳар бир давлатнинг ички тузилишини мустаҳкам ва барқарор бўлиши, унинг ортидан тараққиёт, равнақ, мустақиллик, эркинлик ва бошқа кўплаб неъматлар бўлиши ва бу улуг мақсадга эришиши учун аҳолининг турли қатламлари иштирок этиши керак.

Аёллар раҳбар сифатида фаолият юритиши нафақат шахсий қобилият ва билимга, балки жамиятнинг унга нисбатан муносабатига, маданий қарашларга ва маънавий қийматларга ҳам боғлиқ. Мазкур мақолада айнан шу омиллар – маънавий қадриятлар ва маданий анъаналарнинг аёл раҳбарлар фаолиятидаги ўрни таҳлил этилади.

Калит сўзи: Раҳбар аёллар, жамият, маънавият, қадрият, маданият, қонун, фаолият.

Аннотация. Внутренняя структура каждого государства должна быть прочной и стабильной, за которой следуют развитие, процветание, независимость, свобода и многие другие блага, и для достижения этой великой цели должны участвовать различные слои населения.

Эффективность женского лидерства зависит не только от личных способностей и знаний, но и от отношения к ним общества, культурных воззрений и духовных ценностей. В данной статье анализируется роль этих факторов – духовных

ценностей и культурных традиций – в деятельности женщин-лидеров.

Ключевые слова: Женщины-лидеры, сообщество, духовность, ценности, культура, закон, деятельность.

Annotation. The internal structure of every state must be strong and stable, as this ensures progress, development, independence, freedom, and many other benefits.

Women's leadership activities depend not only on their own abilities, but also on society's attitude towards them, cultural perspectives, and moral values. This article provides a scientific analysis of these factors – namely, the role of moral values and cultural traditions in the activities of women leaders.

Keywords: Women leaders, society, spirituality, values, culture, law, activity.

КИРИШ

Бугунги кунда дунё миқёсида гендер тенглик, аёлларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш ва раҳбарлик лавозимларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатларда аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги кучайиб бормоқда. Аммо раҳбарликда аёллар иштирокига нафақат ҳуқуқий ва иқтисодий, балки маънавий ва маданий омиллар ҳам катта аҳамиятга эга. Бинобарин, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, уларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга фаол жалб этиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги жадал ривожланиб бораётган давлатимизда раҳбар аёллар, айниқса, ижтимоий соҳаларда, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида фаолият юритиб, маънавий қадриятларни юксалтиришда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Улар инсонпарварлик, адолат, ҳалоллик ва бағрикенглик каби қадриятларни бошқарув амалиётига татбиқ этишмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг аёллар етакчилиги ҳақида “Биз аёллар етакчилигининг тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлаш бўйича ишларни давом эттирамиз. Уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги фаол иштироки биз учун муҳим”[12:2024], деб айтган фикри йилдан-йилга ўз амалий исботини топмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, шунингдек, 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси ва хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида “Ўзбекистон модели”да шакллантириб, фаоллигини оширишга қаратилган. Шунга кўра, Миллий дастур хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини кучайтириш, таълим олиш ва иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган. Масалан, 2004 йилдан бошлаб сайловларда номзодлар рўйхатида аёллар учун 30% квота жорий этилган.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан эълон қилинган “ТОП-40 раҳбар аёллар” рўйхати аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва улар ўртасида рақобат муҳитини яратишга қаратилган”[4:/2023/03/08/].

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони 39 078 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2 606 тага ошган.

2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 27 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 35 фоизга етди. Аёллар улуши тадбиркорлик соҳасида 45 фоиз, сиёсий партиялар таркибида 49 фоизни ташкил этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг эса 27 фоизи, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг 32 фоизи хотин-

қизлардир. Бу натижалар сиёсий ирода, халқчил ёндашув ва энг муҳими, аёлнинг имкониятига билдирилган юксак ишонч самарасидир. [3: 738808] Бу рақамларнинг кундан кунга усиши қонунлар барқарорлигига далолатдир.

Раҳбарлик бу фақат ташкилий қарор қабул қилиш эмас, балки одамлар билан самарали мулоқот ўрнатиш, уларни руҳлантира олиш ва жамоани умумий мақсад сари бошқара олиш қобилияти ҳамдир. Кўпинча, раҳбарлик қобилияти ирсий ёки “табиий етакчилик” сифатида тасвирланади, аммо сўнгги тадқиқотлар бу қарашни тўлиқ рад этган. Раҳбарлик бу ўрганиладиган, шаклландиган ижтимоий-психологик жараён ҳамдир.

Аёллар ушбу жараёнда ҳиссий интеллект, мулоқот қобилияти, бағрикенглик, мулоҳазакорлик каби муҳим фазилатлари орқали катта афзалликка эга. Раҳбар аёллар тажриба ва билимидан ташқари униб усган жамиятнинг маънавий муҳити, миллий менталитетига ҳам эътибор қаратиши лозим, бироқ жамиятдаги баъзи стереотиплар, қоқоқ қарашлар, мутаасиблик ва маънавий тусиқлар кўпинча аёлларнинг тўла салоҳиятини намоён этишига монелик қилади.

Назарда, раҳбар аёл шахсияти шаклланишида бир қатор маънавий ва маданий омилларнинг ўрни аҳамиятлидир. Маълумки, маънавий омиллар деб, инсоннинг ахлоқий, маърифий, инсоний қадриятларга содиқлиги, ҳаётий фалсафаси ва эътиқодини тушунамиз. Раҳбар аёл учун маънавий баркамоллик, масъулият ҳисси, меҳр-оқибат, адолат ва фидоийлик фазилатлари асосий таянч нуқталаридан биридир. Бу фазилатлар негизи аввало оилада, сунгра ўқув даргоҳлари ва жамиятда шакллансада, асосий омиллардан бири, шахснинг худо берган (генетик) феъл-атвори(характер), темпераменти ва руҳий ва жисмий соғломлиги туради. Оилавий муҳит

Аёл раҳбарлар, кўпинча, “қатъий бошлиқ” эмас, балки “ҳомий етакчи” моделида фаолият юритадилар. Улар жамоадаги ижтимоий муҳит, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, қўллаб-қувватлаш муҳитига катта эътибор қаратадилар. Бу, албатта, уларнинг шахсий тарбияси,

маънавий камолоти ва миллий кадриятларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Масалан, ўзбек жамиятида қиз болага кичик ёшиданок одоб-ахлоқ, ҳаё ва ифбат, виждон, оилага содиқлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар сингдирилади. Бу хислатлар кейинчалик уларнинг раҳбар сифатида ҳам масъулиятли, диққатли ва юксак маънавий мезонларга таянган ҳолда иш олиб боришига замин яратади.

Раҳбар аёлларнинг шаклланишидаги маданий омиллар, айтганимиздек, хусусан, ижтимоий қарашлар ва уларнинг таъсирини ҳам унутмаслик лозим. Чунки маданий омиллар кенг қамровли бўлиб, жамиятнинг анъаналари, урф-одатлари, тарихий дунёқараши ва дин билан боғлиқ бўлган қарашлар тўпламидир. Зеро, жамиятдаги маданий муҳит аёлларнинг раҳбарликка бўлган муносабатида муҳим роль ўйнайди. Айрим маданиятларда аёлларнинг етакчи сифатида намоён бўлиши ижобий қабул қилинса, бошқа бир жамиятларда бу номуносиб, ҳатто қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, индустриал ривожланган мамлакатларда аёл раҳбарлар сони юқори бўлса, анъанавий жамиятларда уларнинг улуши анча паст.

Ўзбекистонда охириги 4-5 йилларда аёлларнинг ижтимоий фаоллиги, раҳбарлик салоҳиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат бошқарувида аёлларнинг сони ортиб бормоқда. Бироқ, ҳали-ҳануз айрим ҳудудларда “аёл раҳбар бўла олмайди”, деган стереотиплар сақланиб қолмоқда. Бу қолюқ маданий мероснинг сўнгги кўриниши, десак муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аёлларнинг раҳбар сифатида шаклланишида таълим ва маърифат муҳити ва сифати ҳам катта ўрин тутати. Тенг имкониятлар муҳити, эркин фикрлаш, лидерлик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар аёллар ўртасида раҳбарлик салоҳиятининг юзага чиқишига хизмат қилади. Маърифий ва маънавий муҳитда етишган аёллар ўз қобилиятига ишонади, ўз позициясини эркин

билдиришга интилади ва мураккаб муаммоларни ҳал этишда самарали ёндашув намоён этади. Масалан, юртимиздаги Президент мактаблари, қизлар лицейлари, хотин-қизлар учун очилган таълим марказлари келгусида раҳбар бўлишга интилаётган қизлар учун муҳим таянч нуқта ҳисобланади.

Раҳбарлик фаолиятида маънавий етакчилик тушунчаси, яъни раҳбарнинг фақат вазибаларни тақсимловчи эмас, балки жамоани руҳий жиҳатдан ҳам етаклаши муҳимдир. Аёл раҳбарлар, кўпинча, одамларни руҳлантириш, фикрлашга чорлаш, ҳамфикрликлик муҳитини яратиш орқали бу лидерликни амалга оширадилар.

Бундай етакчиликнинг асосида, албатта, маънавий фазилатлар, хусусан, нутқий мулоқатчанлик, муомила-муносабат, инсоф, садоқат, бағрикенглик, сабр-тоқат, камтарлик туради. Аёл раҳбарларнинг муваффақияти, кўпинча, айнан шу омилларга боғлиқ бўлади. Жамоа ўртасида ишончли, шаффоф муҳит яратиш, инсонларга меҳр ва эҳтиром ва очик чеҳра билан муносабатда бўлиш бугунги замонавий раҳбарда бўлиши керак бўлган энг муҳим сифатлар қаторидадир.

ХУЛОСА

Умуман олганда, аёлларнинг раҳбарлик фаолиятига маънавий ва маданий омилларнинг таъсири мураккаб, бироқ ўта муҳим жараёндир. Бир томондан, аёлларнинг шахсий тарбияси, миллий ва маънавий кадриятларга бўлган муносабати уларни адолатли, масъулиятли ва фидоий раҳбар сифатида шакллантирса, иккинчи томондан, жамиятдаги маданий қарашлар ва стереотиплар уларнинг салоҳиятини чеклаб қўйиши мумкин. Фикримизнинг якуни сифатида қуйидагидарни тақлиф сифатида белгилаймиз:

аёллар раҳбарлигини ривожлантириш учун оила ва жамиятда маънавий-маърифий муҳитни янада мустаҳкамлаш зарур;

таълим муассасаларида қизлар ўртасида етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган махсус дастурларни жорий этиш;

маданий стереотипларни енгилш учун оммавий ахборот воситаларида аёл раҳбарлар

ижобий образларини тарғиб ва ташвиқ қилиш;
маънавий етук, ижтимоий масъулиятли
ва самарали раҳбар сифатида аёлларнинг
юксалиши учун қонунчилик базасини янада
такомиллаштириб, ваканд иш ўринларга хотин-
қизларни кўпроқ чорлаш;

тадбиркор раҳбар аёлларга ҳам хусусий ё
хужалик ишларини ривожлантириш учун кенг
камровли имконият яратиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Хотин-қизлар етакчилигини
тўлиқ рўёбга чиқариш бўйича ишлар давом
этирилади [Матн] // Uzbekistan will continue to
work on the full realization of women's leadership
potential. – Режим доступа: [https://uzconsulate-
aktau.kz/en/2024/uzbekistan-will-continue-
to-work-on-the-full-realization-of-womens-
leadership-potential/?utm_source=chatgpt.com](https://uzconsulate-aktau.kz/en/2024/uzbekistan-will-continue-to-work-on-the-full-realization-of-womens-leadership-potential/?utm_source=chatgpt.com).
Мурожаат санаси: 27.05.2025.
2. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолияти
сарҳисоб қилинди // [https://uza.uz/uz/posts/
oila-va-xotin-qizlar-qomitasi-faoliyati-sarhisob-
qilindi_738808](https://uza.uz/uz/posts/oila-va-xotin-qizlar-qomitasi-faoliyati-sarhisob-qilindi_738808). Мурожаат санаси: 27.05.2025.
3. Ўзбекистонда раҳбар аёллар тенденцияси
бўйича баёнот берилди [Матн] // Kun.uz. –
2018. – 11 июль. – Режим доступа: [https://kun.
uz/news/2018/07/11/uzbekistonda-rabar-aellar-
tendenciasi-bujica-baenot-berildi](https://kun.uz/news/2018/07/11/uzbekistonda-rabar-aellar-tendenciasi-bujica-baenot-berildi). Мурожаат
санаси: 27.05.2025.
4. “ТОР-40” раҳбар аёллар рўйхати эълон қилинди
[Матн] // Gazeta.uz. – 2023. – 8 март. – Режим
доступа: [https://www.gazeta.uz/uz/2023/03/08/
woman-leaders/](https://www.gazeta.uz/uz/2023/03/08/woman-leaders/). Мурожаат санаси: 27.05.2025.
5. Ўзбекистонда аёл раҳбарлар бошқарувидаги
корхоналар сони маълум бўлди [Матн] // Daryo.
uz. 2023. 22 август. – Режим доступа: [https://
daryo.uz/2023/08/22/ozbekistonda-ayol-rahbarlar-
boshqaruvidagi-korxonalar-soni-malum-boldi](https://daryo.uz/2023/08/22/ozbekistonda-ayol-rahbarlar-boshqaruvidagi-korxonalar-soni-malum-boldi).
Мурожаат санаси: 27.05.2025.
6. Коллинз Дж. Женщины и лидерство:
Трансформация взглядов и голосов / пер. с англ.
– СПб.: Питер, 2012. – 368 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг
05.03.2021 йилдаги “Хотин-қизларни қўллаб-
қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги
фаол иштирокини таъминлаш тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПҚ-5020-сон Қарори // [https://
lex.uz/uz/docs/5320582](https://lex.uz/uz/docs/5320582). Мурожаат санаси:
27.05.2025.
8. Нормуродов А. Маънавий ва раҳбарлик:
назарий ёндашув // Фалсафа ва ҳаёт. 2020. –
№1. – Б. 45–50.
9. Шодиева М. Аёл раҳбарлар фаолиятида маданий
омилларнинг роли // Жамият ва бошқарув. –
Тошкент, 2021. – №2. – Б. 60–65.
10. Nasir A. Leadership in Islamic and Central Asian
Contexts. – London: Routledge, 2019. – 224 p.
11. Каримова С. Аёл раҳбарлар ва муваффақият
психологияси // Ижтимоий фанлар. – Тошкент,
2022. – №4. – Б. 72–78.
12. Uzbekistan will continue to work on the full
realization of women's leadership potential. –
uzconsulate-aktau.kz, 2024.